

ТошДШИ, Ўзбек ва рус тиллари
кафедраси ўқитувчиси
Ф.ф.н. Ш.М.Шарасулова

ТИЛШУНОСЛИҚДА СИФАТДОШЛИ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Сифатдошлар феълнинг хосланган уч шаклидан бири бўлиб, бу шакл унинг феъллик вазифа ва хусусиятларига иккинчи бир туркум вазифа ва хусусиятларини юклайди. Мазкур ҳолат сифатдошга алоҳида эътибор бериш ва алоҳида тадқиқ қилишни талаб қилади. Бу тилшуносликда аллақачон эътиборга олинган ва тилшуносликнинг дастлабки тадқиқотларидан бошлаб унга турли нуктаи назардан ёндашилиб келинган.

Сифатдошлар деярли барча тилларда ўз аксини топган. У Европа тиллари ҳисобланган немис¹, инглиз² ва француз³ тили грамматикасида ҳам қайд этилган. Рус тилида феълнинг хосланган шаклларида бири эканлиги ҳақидаги фикрлар рус тили грамматикасига бағишланган барча дарслик ва кўлланмаларда кузатилади³. Умуман рус тилшунослиги, рус туркологияси, умуман туркология, ўзбек тилшунослигида унинг ўрганилиши ва ўрганилиш тарихи ўзбек тилшунослиги учун янгилик эмас.

Маълумки, ҳозирги туркий тилшунослик асосан рус тилшунослиги ютуқларидан фойдаланган ҳолда тараққий этган. Сифатдош ҳақидаги қарашлар асосан рус тилшунослигида пайдо бўлиб, у туркий тиллар тилшунослигига кейин тадбиқ этилган. Кейинчалик туркий тиллар тилшунослигида шу тил фактларидан

келиб чиқиб, сифатдошларни тадқиқ этиш ва янги фикрлар билан бойитиш ишлари амалга оширилди. Бу туркий тиллардаги сифатдошларга хос вазифа ва хусусиятлар рус тилидаги сифатдошларнинг вазифа ва хусусиятларига кўп томонлама ўхшаш эканлиги, бу тиллар тилшунослиги ўртасида узок давр бевосита алоқа бўлиб келганлиги билан боғлиқдир.

Рус тилшунослигида дастлаб сифатдошларга алоҳида туркум сифатида қаралган. Буни И.И.Мешчанинов монографиясида кўриш мумкин⁴. В.В.Виноградов тузган дарслигида эса у феъл ва сифат оралиғидаги туркум, деб изоҳланади⁵. А.М.Пешковский ўзининг рус тили синтаксисига

¹ Қрнг.: Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. -Leipzig: B JL/, 1968. -S. 208-215; Die Deutsche Sprache. Kleine Enzyklopedie. -Leipzig: B JL, 1970. -С. 868-870.

² Қрнг.: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. - М.: ВШ, 1981. - С.82-84.

³ Қрнг.: Голанов И.Г. Морфология современного русского языка/ Изд. 2 ое. испр. и допол. - М.: ВШ, 1965. - С. 212-223; Валгина Н.С., Розенталь Д.Э., Фомина М.И., Цапуневич В.В. Современный русский язык/ Изд. 3 ее. испр. и допол. - М.:ВШ, 1966. - С.248-255; Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. ч.1. Фонетика и морфология/ Изд. Зое. - М.: Просвещение, 1967. - С.377-386; Гужва Ф.К. Современный русский литературный язык. Словообразование. Морфология. - Киев: ВШ, 1967. -С. 149-158; Аникина А.Т.Глагол// Современный русский язык подред. Д.Э.Розенталя. - М.: ЦМУ, 1971. -С. 332-336.

⁴ Қрнг.: Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. - М.-Л., 1978.

⁵ Қрнг.: Виноградов В.В. Русский язык. - М., 1947. - С. 398.

бағишланган илмий монографиясида сифатдошлар сифатнинг барча хусусиятларини қабул қилган, ҳатто от туркум вазифасини ўтай оладиган сўзлар, деб кўрсатади⁶.

Сифатдош ҳақидаги рус туркологларининг қарашлари ўзига хос бўлиб, улар деярли объектив фикрларни айтганлар. А.К.Боровков 1943 йил ўзбек тили грамматикасига бағишланган мактаб дарслигида сифатдош аниқловчи вазифасида келиши ва аниқлик, мажхул нисбатлари маъносида қўлланишини тилга олган эди⁷. Россияда турколог олим сифатида жуда катта салмоққа эга бўлган Н.К.Дмитриев ўз илмий ишининг сифатдошга бағишланган қисмида сифатдошни тадқиқ этувчи назарий масалаларга умуман ўрин ажратмайди, фақат фактларни қайд этиш билан чегараланади. У бир ўринда сифатдош эгаликни, келишикни қабул қилмаслигини қайд этиб, кейинроқ, бир ўринда у инкор ва бўлишсизлик шакллари олиши мумкинлигини айтган⁸. У бу ўринда сифатдошнинг фақат аниқловчи вазифасида келишини эътиборда тутган бўлиши керак. Сифатдош отлашган ҳолда гап бўлаги вазифасини ўтаса, эгаликни ҳам, келишикни ҳам орттириши мумкин. Феълнинг шу хосланган шаклидаги бу томон эътиборга олинмаган. Ёкут тили ҳақида фикр юритган Е.И.Убрятова сифатдошлар замон ва майл билан тусланишини қайд этган. У бошқа бир ўринда сифатдошлар адъективация ва субстантивацияга учраши мумкинлигини тилга олган⁹. А.Н.Кононов сифатдошлар синтактик вазифасига кўра кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифаларида кела олишини ва отнинг барча вазифаларини бажара олишини кўрсатади. Шу билан бирга у сифатдош сифатлик вазифасини эмас, отлик вазифасини орттирган феъл деб қайд этади¹⁰. Олимнинг бу фикри сифатдошнинг субстантивацияга учраган ҳолати учун албатта тўғри. Лекин сифатдошнинг субстантивацияга учрамаган ҳолда гап бўлаги бўлиб келиши ҳам алоҳида ҳодисадир.

Ўзбек тилшуносларидан сифатдош ҳақида дастлаб мукамалроқ тўхтаган тилшунос Р.Жуманиёзовдир. Бу тилшунос М.Асқарова билан ҳамкорликда равишдош ва сифатдошга бағишлаб эълон қилган рисоласида уни анча атрофлича таҳлил этиб берган. Унда асосан сифатдош феълнинг хосланган шакли сифатида тадқиқ этилади¹¹. Бунда у предметнинг ҳаракат белгисини, сифатловчи вазифасини бажаради, шу хусусиятига кўра сифатга яқин туради, деб кўрсатади¹². Шу билан бирга тилшунос сифатдошнинг шахс-сон билан тусланиши, майл ва замон маъносини бериши, нисбат қўшимчаларини олиши ва бўлишли-бўлишсизликни кўрсата олишига кўра уни феъл туркуми категорияларидан бири сифатида қайд этади¹³. Сифатдошлар отлашиб отга хос

⁶ Қрнг.: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. - М., 1956. - С.

⁷ Қрнг.: Боровков А.К. Ўзбек тили грамматикаси. 1 қт. - Тошкент: Ўзпеддавнашр, 1943.

⁸ Қрнг.: Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. - М.: ИРЛ, 1962.

⁹ Қрнг.: Убрятова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка. - М.-Л.: ИАН. СССР, 1950. - С. 39.

¹⁰ Қрнг.: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.: Наука, 1960. - С. 238-239.

¹¹ Қрнг.: Асқарова М., Жуманиёзов Р. Ўзбек тилида равишдош ва сифатдошлар. - Тошкент: Фан, 1953. - 11-15-б.

¹² Қрнг.: Асқарова М., Жуманиёзов Р. Ўша асар. - 12-б.

¹³ Қрнг.: Ўша асар, ўша бет.

барча синтактик вазифаларни, сифатлашиб сифатга хос барча

синтактик вазифаларни бажара олиши ҳақида ҳам фикр юритади ва таҳлиллар келтиради¹⁴. Олим сифатдошни асосан морфологик категория сифатида қараган ва талқин этган.

Умуман шу давр атрофидаги рус ва туркий тиллар тилшунослари сифатдошларни шу доирада ўргандилар. Рус тилшуноси Л.П.Калакуцкая сифатдошларнинг юқоридаги хусусиятлари жуда кўп тилларга ҳам мансублиги ва бунда умумийлик мавжудлигини таъкидлайди¹⁵. Шунинг учун ҳам А.Б.Абрамов сифатдошнинг юзага келишини феълнинг синтактик имконияти билан боғлаб кўрсатган¹⁶. Сифатдош ҳақида фикр юритган қатор тилшуносларнинг тадқиқоти ҳам шуни кўрсатади¹⁷. Шулар қатори хакас тили¹⁸, татар тили¹⁹, бошқирд тили²⁰, ёкут тили²¹, қорайим тили²², уйғур тили²³, озарбайжон тили²⁴ грамматикасига бағишланган ишларда ҳам сифатдошларнинг морфологик хусусиятлари ҳақида юқоридаги доирада фикрлар айтилган.

Р.Жуманиёзов эълон қилган рисоласидан ўн йиллар ўтгандан кейин А.Ҳожиёвнинг ўзбек тили сифатдошларига бағишланган махсус мақоласи эълон қилинди. Унда айтилган фикрлар ҳам Р.Жуманиёзов берган фикрларга ўхшаш сифатдошнинг морфологик тадқиқ этилишига бағишланган. Унда А.Ҳожиёв феълнинг сифатга хос хосланган шаклини юзага келтирувчи кўшимча асосан -ган эканлигини айтиб, у билан бирга қўлланувчи кўшимчалар замон талабига кўра қўшиладиган ёрдамчи элементлар эканини айтади. Шу билан бошқа сифатдош ясовчилар ҳам борлиги, лекин камунум эканлигини кўрсатади²⁵.

Ўзбек тилидаги сифатдошларга ўзига хос тадқиқотлари билан ёндашган С.Н.Ивановдир. Бу унинг номзодлик диссертацияси бўлиб, -ган шаклли сифатдошлар синтаксисига бағишланган ва унинг кесим, аниқловчи, эга ва тўлдирувчи, ҳол вазифаларида келишини таҳлил қилиб берилган²⁶. Бунда маълум даражада соф сифатдош назарда тутилган бўлса-да, ишнинг иккинчи қисмида сифатдошнинг субстантивацияси эътиборга олинган. Ишнинг таҳлил

¹⁴ Қрнг.: Ўша асар. - 15-6.

Қрнг.: Калакуцкая Л.П. Адъективация причастий в современном русском литературном языке. - М.: Наука, 1971. -С. 42,50.

¹⁶ Қрнг.: Абрамов Б.А. Синтаксис потенциал глагола// Филологические науки. -1966. -С. 13.

Қрнг.: Сифатдош ҳақидаги фикрлар рус тилшунослигида деярли шундай эканлиги тилшуносликка маълум эканлигини ҳисобга олиб, адабиётларни кўрсатишни ортиқча деб билдик.

¹⁸ Қрнг.: Грамматика хакасского языка/ под ред. Н.А.Баскакова. - М.: Наука, 1975. -С. 230.

¹⁹ Қрнг.: Современный татарский литературный язык. -М.: Наука, 1960. -С. 245.

²⁰ Хазерге башкорт теле/яуаплы редакторлары. З.Г.Ураксын, К.Г.Ишбаев. - Офо: БКН, 1986. - 231-234 с.

²¹ Қрнг.: Грамматика современного якутского литературного языка / Отв. ред. Е.И.Убрятова. - М.: Наука, 1982. -С. 227.

²² Қрнг.: Мусаев К.М. Грамматика караимского языка. М.: Наука, 1964. - С.392-303.

²³ Қрнг.: Мелиев К. Туркий тилларда феъл категорияси. - Тошкент: Фан, 2005. - 12-66- бетлар.

²⁴ Қрнг.: Грамматика азербайджанского языка. Под. ред. М.Ш.Ширалиева и Э.В.Севортяна. - Баку: Элим, 1971. - С. 139-141.

²⁵ Қрнг.: Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сифатдош// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. - 1961. - № 4.

²⁶ Қрит.: Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка (форма -ган и ее производные) - Л.: ИЛУ, 1959. - С.3, 147.

қисмида содда гап таркибига киритилган -ган шаклли сифатдошли қурилмалар ҳақида ҳам йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган. Мазкур тадқиқот сифатдошга синтактик нуқтаи назардан ёндашилгани жиҳатидан ҳам ўзбек тилидаги сифатдошга бағишланган аввалги ишлардан тубдан фарқ қилади ва ўз даври учун янгиликдир.

Ўзбек тилидаги сифатдошларнинг синтактик хусусиятларига бағишланган ишларнинг энг дастлабкиси Ш.Каримовнинг номзодлик диссертацияси ҳисобланади. Бироқ у ўз тадқиқотини немис тилидаги partizipнинг синтактик хусусиятлари билан қиёслаб олиб борган. С.Н.Иванов ўз диққатини сифатдошларнинг синтактик вазифасига қаратган бўлса, Ш.Каримов сифатдошларнинг қандай синтактик бирликлар билан бирикиб келиши ва уларнинг семантикасига эътибор берган²⁷. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Ш.Каримов кўпгина ўринларда С.Н.Ивановнинг фикрларини такрорлаган бўлса ҳам, унга муносабат билдирмаган. Шунга қарамай, бу тадқиқотчи сифатдошларнинг синтактик хусусиятларига тамоман янги томондан ёндашгани учун ўз янгиликларига ва ўз қимматига эга.

Ўзбек тилидаги сифатдошларнинг синтаксисига бағишланган навбатдаги диссертация М.Д.Шоҳназаровага тегишлидир. Бу ишида у барча шакллар билан ясалган сифатдошларнинг синтактик хусусиятини таҳлил этиб беришга ҳаракат қилган. Бу муаллиф ҳам ўз ишида сифатдошнинг кўпроқ гапнинг қандай бўлаклари сифатловчиси бўлиб келиши ҳақида тўхтади ва унинг сифатланмишини характерлайди²⁸. Бу жиҳатлари билан мазкур тадқиқот иши Ш.Каримовнинг тадқиқот ишига яқин туради. Шунга қарамай, муаллиф Ш.Каримовнинг ишига муносабат билдирмайди ва унга илова ҳам келтирмайди. М.Д.Шоҳназарова яна сифатдошнинг феълга хос бошқариш хусусиятини сақлаб қолганлиги, синтактик қурилма уюштира олиши кабиларни ҳам қайд этади ва шу билан чегараланиб²⁹, сифатдошли қурилмалар ва уларнинг таркиби ҳақида фикр билдирмайди. Мазкур ишда сифатловчи сифатидаги сифатдошнинг сифатланмиши асосий предикацияга тегишли бўлак бўлиши кўрсатилгани ҳолда, унинг ҳар икки предикация ўртасидаги боғлаш вазифасини бажариши юзасидан муносабат билдирилмайди. Шунга қарамай, М.Шоҳназарованинг ўзбек тилшуослигида сифатдош ҳақидаги кейинги ишлар учун туртки вазифасини ўтади.

Ўзбек тилидаги сифатдошлар юзасидан Ж.Мухторов докторлик диссертациясини ёқлаган бўлиб, унда ўзбек тилидаги сифатдошларнинг шаклланиши, унинг тарихий тараққиёти юзасидан фикр юритилган. Иш тўлаллиги билан тил тарихига мансубдир³⁰. Унинг ҳозирги ўзбек тилига оид сифатдошларни ўрганиш тараққиётига алоқаси йўқлиги сабабли бу ҳақда диссертацияда тўхташни жоиз деб билмадик.

Маълумки, сифатдошли қурилмалар содда гап таркибига киритилиб, уни

²⁷ Қрнг.: Каримов Ш. Причастные определения в немецком и узбекском языках. - С. 3-22.

²⁸ Қрнг.: Шахназарова М.Д. Синтаксис причастия в узбекском языке. - С-10.

²⁹ Қрнг.: Шахназарова М.Д. Ўша автореф. - С.8.

Қрнг.: Мухтаров Дж. История развития причастных форм в узбекском языке: Автореф. дисс д-ра филол. наук. - Ташкент, 1971. - С. 3.50.

мураккаблашган содда гапга айлантиради. Яъни содда гап полипредикатив ҳолда таркиб топади гап бунда бирдан ортиқ предикация бир содда гап ҳолида шаклланади. Кўринадики, гап мазмуни билан синтактик қурилиши ўртасида номутаносиблик юзага келади. Мана шу номутаносиблик дастлаб рус тилшунослигида, аниқроғи, Новосибирск тилшунослигида тадқиқ этила бошланди. Бунда айниқса, М.И.Черемисинанинг хизмати катта³¹. Тадқиқотнинг бу йўналишини ўзбек тилшунослигига Н.М.Маҳмудов олиб кирди. У ўзининг докторлик диссертацияси таркибига «Гапни сифатдошли қурилма билан мураккаблаштиришда семантик-синтактик номутаносиблик» сарлавҳаси остида қисм киритиб, унда мураккаб гап таркибидаги сифатдошли қурилма мустақил предикациядан иборатлиги ва асосий предикацияга юклатилганлигини айтади. Бунда у сифатдош изоҳлаб келган бўлакка кўпроқ эътиборни қаратади. Бу бўлак, унинг кўрсатишича, содда гап таркибидаги ё эга, ё тўлдирувчи, ё ҳол вазифасини бажариб, сифатдошли қурилма учун фақат аниқланмиш ҳисобланади, яъни у бир содда гап таркибида икки синтактик вазифага эга. Семантик жиҳатдан эса у ё субъект, ё объект бўлиб, ҳар икки предикация учун бир хил семантик бўлак вазифасини ўташи мумкин. Шундай бўлгач, унинг референти ҳам битта ҳисобланади. Айрим ҳолларда семантик жиҳатдан икки ифодага эга бўлиши ҳам кузатилади³². Буни тадқиқотчи гап таркиби ва мазмуни билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Умуман, Н.М.Маҳмудов сифатдошли қурилмалар ўзи киритилган содда гапларни полипредикатив гапга айлантиради, содда гапни семантик-синтактик номутаносиб ҳолга олиб келиши, бу гапнинг моносубъектли ва монообъектли бўлиши қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб олган. Бундай мураккаблашган гаплар монологалисли ёки монотемпоралисли бўлиши мумкин. Шу билан бирга сифатдошли қурилмалар ўз семантик-синтактик таркибига ҳам эга бўлади.

Н.З.Гаджиева сифатдошли қурилмаларни гибрид характерига эга қурилмалар деб таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, сифатдошли қурилмалар янги таркибий бирлик бўлиб, уларда маълум даражада предикативлик ҳам, интонацион тугаллик ҳам, нисбий мустақиллик ҳам мавжуд. Шунинг учун уларнинг таърифи учун «гап», «ёйиқ бирикма» терминлари мос келмайди деб кўрсатади. Ўзи эса тобе трансформациялар терминини қўллайди.³³

Содда гап таркибидаги сифатдошли қурилмаларнинг бошқача қолипда берилган типлари мавжуд. Лекин уларнинг предикати ҳисобланган сифатдоши содда гапнинг бирор бўлагига боғланиб келар экан, шу сифатдошли қурилма билан содда гапни боғлаб турувчи бўлак ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, тилшуносликда сифатдошли қурилма кенг ҳар томонлама тадқиқ этилган мавзу. Эндиги навбат тиллар

³¹ Қрғ.: Черемисина М.И. Моносубъектная конструкция. Понятие и типология // Полипредикативные конструкции и их морфологическая база. - Новосибирск: Наука, 1980. - С. 6-33.

³² Қрғ.: Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 105-122 б.

Қрғ.: Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М., 1973. -С. 236-237.

доирасида ўтказилиши лозим бўлган қиёсий таҳлилга.

Фойданилган адабиётлар рўйхати

1. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. -Leipzig: VJL/, 1968. -S. 208-215; Die Deutsche Sprache. Kleine Enzyklopedie. -Leipzig: VJL, 1970. -С. 868-870.
2. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. - М.: ВШ, 1981. - С.82-84.
3. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. - М.-Л., 1978.
4. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. - 108 б.
5. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сифатдош// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. - 1961. - № 4.
6. Черемисина М.И. Моносубъектная конструкция. Понятие и типология // Полипредикативные конструкции и их морфологическая база. - Новосибирск: Наука, 1980. - С. 6-33.